

МАМЛАКАТМИЗ ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ЎРНИ

А.Ерназаров

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттакўргон филиали
Бизнесни бошқариш таълим юналиши 3-босқич талабаси

Ф.Хафизов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттакўргон филиали
Бизнесни бошқариш таълим юналиши 3-босқич талабаси

О.Н.Хаитов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттакўргон филиали
ассистенти

Аннотация:

Мақолада солиқ сиёсатининг мамлакат инвестиция муҳитини шакллантиришга таъсири ҳақида сўз юритилган. Солиқ сиёсати инвестиция муҳитини шакллантирувчи омил сифатида кўриб чиқилган. Йирик инвестиция лойиҳаларини рағбатлантиришнинг солиқ механизмлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: хорижий инвестициялар, инвестиция сиёсати, солиқ сиёсати, инвестицион муҳит, солиқ имтиёзлари, инновациялар.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасининг хорижий инвесторлар учун инвестицион жозибadorлиги бир қадар юқори поғонага кўтарилди ва инновациялар нуқтаи назаридан инвестициялардан фоал фойдаланишга давлат ва маҳаллий ҳокимият томонидан билдирилаётган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакат ривожига инвестициялар жалб этишни устувор йўналишлари белгиланган. Унда мамлакат ҳудудларининг табиий–иқтисодий салоҳияти ва бошқа инвестиция талаб этувчи объектлари тўғрисида маълумотлар давлатни инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида тавсифланган [5].

Хўш хорижий инвесторлар учун инвестицион жозибador муҳитни яратиш давлат иқтисодиётига нима беради? Нега хорижий инвестицияларни жалб этиш иқтисодий ривожланиш учун бу қадар муҳим?

Чет эл инвестицияларини жалб этишнинг мамлакат иқтисодий тараққиётидаги аҳамияти жуда катта. Хорижий сармоялар ёрдамида қўшимча молиявий ресурслар, янги технологиялар, инновацион товар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари яратилади, корхоналар бошқарув тизимида хориж тажрибасини ўрганиш учун замин ҳосил бўлади ва буларнинг

барчаси мамлакат иқтисодиётини юксалтириш ва унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга ҳам хизмат қилади. Чет эли инвестицияларининг яна бир муҳим ижобий таъсири капитал, технология ва бошқарув ресурсларининг кириб келишидир.

Шунингдек, хорижий инвестициялар бандликка ижобий таъсир кўрсатади, айниқса ишсизлик даражаси юқори бўлган мамлакатларда бунинг аҳамияти яққолроқ сезилади.

Бундан ташқари, хорижий инвестициялар ички бозорда рақобатни рағбатлантириш орқали иқтисодий ривожланишга катта ҳисса қўшади, бу эса пировард натижада ишлаб чиқаришнинг ошишига, нархларнинг пасайишига ва ресурсларнинг янада самарали тақсимланишига олиб келади.

Умумий қилиб айтганда чет эл инвестициялари мамлакат тараққиётига улкан ҳисса қўшади. Шунинг учун ҳам бутун дунёда қайси давлат бўлмасин ўз иқтисодиётига хорижий капитални жалб қилишга катта эътибор қаратади, бунинг учун ўз инвестицион сиёсатини юритади ва бу сиёсатни амалга ошириши учун одатда солиқ сиёсати ҳам эътибор қаратади.

Солиқ сиёсати давлатнинг, жамиятнинг айрим ижтимоий гуруҳларининг молиявий эҳтиёжларини қондириш, шунингдек, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш мақсадида мамлакат солиқ тизимини шакллантириш бўйича давлатнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий чора-тадбирлари мажмуи сифатида қараш мумкин [4]. Солиқ сиёсатининг мазмуни давлатнинг солиқ тизимини ривожлантиришнинг илмий асосланган концепциясини ишлаб чиқиш, солиқ механизмларидан фойдаланишнинг энг муҳим йўналишларини белгилаш, шунингдек, солиқ тизимини амалда бошқариш бўйича изчил ҳаракатлари билан тавсифланади ва унинг самарадорлигини назорат қилади.

Солиқ сиёсатининг алоҳида йўналишлари сифатида инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ва муайян ҳудудларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун қулай солиқ шароитларини яратиш алоҳида ажратиб кўрсатилади. Бу йўналишлар солиқ сиёсатининг рағбатлантирувчи функциясининг кўриниши бўлган солиқ имтиёзлари ва преференцияларининг амалдаги тизимини оптималлаштиришни назарда тутаяди.

Юртимизда қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга ёрдам берадиган солиқ сиёсатини юритишга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “солиқ юкини камайтириш ва инвесторлар учун солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ сиёсати ва божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш ислохотлари жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда” [2].

Хусусан хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар учун алоҳида солиқ режимлари ишлаб чиқилган бўлиб, бундай ҳудудлар мамлакатимизда 3 та - “Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналари. Ушбу зоналар иштирокчилари учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида қатор солиқ имтиёзлари ва преференциялари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 68-боб 473-моддасига кўра “Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, мол-мулк солиғидан, ер солиғидан ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган муддатга озод қилиш тарзида солиқ имтиёзлари берилади.

Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари фойда солиғини тўлашдан ўзи киритган инвестициялар ҳажмига қараб:

3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдордаги инвестициялар учун — 3 йил муддатга;

5 миллион АҚШ долларидан 15 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдордаги

инвестициялар учун — 5 йил муддатга;

15 миллион АҚШ доллари ва ундан юқори миқдордаги инвестициялар учун — 10 йил муддатга озод этилади.”[1]

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига кўра тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда ташкил этилган ва қонунчиликда тасдиқланадиган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиладиган муддатга киритилган тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари ҳажмига қараб, ер солиғи, мол-мулк солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан озод этиш тарзидаги солиқ имтиёзлари берилди.

Бундан ташқари 2023 йилда мамлакатимиз инвестицион жозибадорлигини ошириш учун солиқ сиёсатига қатор ўзгартиришлар киритилди, хусусан:

- ҚҚС ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди;
- солиқ тўловчининг солиқ ҳисоботи унинг танловига кўра солиқ органлари томонидан тузилиши имконияти яратилди;
- ўтган йил якунлари бўйича жами даромади ўн миллиард сўмдан ошмаган шахс солиқ қарзи юзага келган санадан эътиборан бир ой ичида солиқ органларига солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи тўғрисида хабарнома юборган бўлса, солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти бериладиган бўлди. Бунда фоизлар олти ой давомида ҳам ҳисобланмайди;
- Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани бажариш муддатлари 60 кунгача (амалда 30 кун) узайтирилди;
- Қопланадиган (қайтариладиган) қўшилган қиймат солиғи суммасининг асослилиги юзасидан камерал солиқ текширувини ўтказиш муддатлари 60 кундан 30 кунга қисқартирилди.

Умуман олганда, мамлакат инвестицион жозибадорлигини оширишда солиқ сиёсатининг ўрни беқиёс, айниқса бутун жаҳонда иқтисодий рақобат жадал кетаётган бу даврда тараққиётни юксак поғоналарга олиб чиқиш учун минтақага имкон қадар кўпроқ капитал маблағларни олиб келишни ўйлаш ва бунинг учун уларни солиқ имтиёзларини бериш орқали рағбатлантириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири.

Географик жиҳатдан олиб қараганда мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлигини юқори деб бўлмайди, чунки биринчи навбатда биз денгиздан анча йироқ ҳудудда жойлашганмиз ва савдо-сотик алоқаларини юқори даражада фаол олиб борадиган ривожланган давлатлар билан чегарадошлигимиз йўқ. Шундай экан, бу ерда маҳсулот реализацияси билан боғлиқ муаммолар етарлича келиб чиқади, шу сабабли ҳеч бўлмаганда ишлаб чиқарувчиларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларини камайтиришни ўйлашимиз лозим. Ва бунда энг биринчи восита солиқли харажатларни камайтиришдир. Шу сабабдан иқтисодиётимизни ривожлантириш ва чет эл капиталини жалб қилиш учун амалга ошираётган солиқ сиёсатимизни мунтазам равишда такомиллаштириб боришимиз ва хорижий инвесторлар учун янада кўпроқ солиқ имтиёзлари ва преференцияларини бериш устида бош қотиришимиз жуда муҳим.

Хулоса қилиб айтганда, мустақилликка эришганимиздан буён бугунги кунга қадар республикаимизда иқтисодий ривожланишни таъминлаш йўлида хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун жуда кўп ишлар амалга оширилди ва ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда. Бундай чора-тадбирлардан энг муҳими 3 та эркин иқтисодий зонанинг ташкил этилгани ва уларга нисбатан махсус солиқ режимларининг жорий этилганидир. Солиқ сиёсати орқали

хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш юртимизда иқтисодий фаолликни оширишга катта ёрдам бермоқда. Буни мамлакатимизда фаолият олиб бораётган жаҳоннинг турли мамлакатларидан бўлган инвесторлар сонини ортиб бораётганидан ҳам кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 2019 йил 30 декабрь
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестицион муҳитни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5495-сон фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2016 йил 26 августдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2822-сонли қарори
4. Налоги и налогообложение: Учебник для академического бакалавриата / М.В.Романовский [и др.]; под редакцией М. В. Романовского, Н.Г.Ивановой. — Москва: Издательство Юрайт, 2016. — 441 с. — (Бакалавр. Академический курс). — ISBN 978-5-9916-9504-6.
5. Avazov, N. (2020). Пути формирования инвестиционного климата. Архив научных исследований, 1(23).